

Тақвонинг сифатлари



11:00 / 02.01.2021 1862

Тақводор инсоннинг сифатлари қуйидагилар:

- Ота-онага яхшилик қилиш.
- Қариндошлик ришталарини боғлаш.
- Қўшниларга яхши муомалада бўлиш.
- Шижоатли, кечиримли бўлиш.
- Одил, ширинсўз бўлиш.
- Ўзгаларни ўзидан устун қўйиш.
- Аллоҳнинг азобидан қўрқиш.
- Иффатли бўлиш, кўзи, қулоғи, тили ва бошқа аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийиш...

Инсондаги тақво аломатлари

- Ислом шариати белгилаган чегарадан чиқмайди.
- Аллоҳга бандалик изҳор қилади.
- Қалби кек, адоват, нафрат, ҳасаддан саломат бўлиб, муҳаббат, мулойимлик ва меҳрга тўла, Аллоҳнинг зикри билан обод бўлади.

– Илм-маърифат, яхшилик, фазилатларни ёяди. Одамларнинг орасини ислоҳ қилади.

– Ўзгаларга ёрдам беради, манфаат улашади.

Тақводорларнинг ажр-савоби

– Аллоҳ таоло тақводорларни Ўзига дўст, валий қилиб олади. У Зот: «**Унинг валийлари фақатгина тақводорлардир**», деган. (*Анфол сураси, 34-оят*).

– Аллоҳ тақводорларни суяди. У Зот: «**Йўқ! Ким аҳдига вафо қилса ва тақво қилса, Аллоҳ тақводорларни севадир**», деган. (*Оли Имрон сураси, 76-оят*).

– Аллоҳ солиҳ амалларни қабул қилади. У Зот: «**Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қиладир**», деган. (*Моида сураси, 27-оят*).

– Яхши оқибат. Аллоҳ таоло: «**Ва оқибат тақводорларникидир**», деган (*Аъроф сураси, 128-оят*).

– Жаннат. Аллоҳ таоло: «**Албатта, тақводорлар жаннатлар ва чашмалардадир**», деган. (*Ҳижр сураси, 45-оят*).

– Аллоҳнинг розилигига эришади, савоб тарозиси оғир келади, омонлик мақомида бўлади. Аллоҳ таоло: «**Албатта, тақводорлар омонлик мақомидалар**», деган. (*Духон сураси, 51-оят*).

– Қиёмат куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўлади, чунки у комил иймон эгасидир.

– Охиратдаги мартабаси улуғ бўлади. Дунёда одамларнинг муҳаббатини қозонади.

– Умри баракали бўлади.

– Йўли очиқ, ризқи кенг бўлади. Аллоҳ таоло: «**Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур**», деган. (*Талоқ сураси, 2-3-оятлар*).

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади